



20 20у « 3 » ИЮЛЬ

№ Қ-310

« ___ » _____ 20__ г.

**Бандихон тумани Бойсун массиви
“Кудуксой” маҳалласи ҳудудидан
“ORIENTAL ACTIVATE” МЧЖга
Тош майдалаш ва бетон маҳсулотлари
ишлаб чиқариш цехи”ни қуриш учун
ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/350-сон йиғилиш баёни ва Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 20 майдаги 01-05/131-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/350-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани Бойсун массиви “Кудуксой” маҳалласи ҳудудидан “ORIENTAL ACTIVATE” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1465қ-дала контуридаги 1,50 гектар яйлов ер майдони “Тош майдалаш ва бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи”ни қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ORIENTAL ACTIVATE” МЧЖ “Тош майдалаш ва бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи”ни қурилишига ажратилаётган ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш 17 516 280 (ўн етти миллион беш юз ўн олти минг икки юз саксон) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонкулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов